

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 4 июлдан чиқа бошлаган.

№ 47 (6. 536)

1988 йил 26 февраль, жума

Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

24 февраль куні Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисида «Навоизот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети ва маъмуриятининг ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг амал қилиши шартидидаги иш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баъни матбуотда эълон қилинади.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида Андижон шаҳар партия комитетининг аҳоли соғлиғини сақлаш ташкил этиш соҳасидаги иш кўриб чиқилди. Бу ишда катта камчиликлар борлиги, шаҳар партия комитетининг секретарлари Т. А. Хотамов, Э. М. Ключникова ўртоқлар соғлиқни сақлаш партиявий раҳбарлигининг зарур даражада бўлишини таъминламаётганликлари, уни жадал ривожлантириш учун самарали қоралардан фойдаланмаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Шаҳар «Саломатлик» программаси қишлоқлик амалга оширилмоқда, унинг бажарилишини ҳеч қим контрол қилмайти, тузилган соғлиқни сақлаш олабаста факултетада комиссияси журтасизлик, ташаббуссизлик билан ишламоқда, етилган муаммоларни ҳал этишдан ўзини четга олмақда.

Боалик ва туғруқча ёрдам муассасалари, поликлиникалар, касалхоналар ва дорихоналарнинг кўпи эски ва мослашмаган биноларда жойлашган. Уларда ҳар бир бемор ҳисобига тўғри келадиган фойдалан саҳи нормативда кўзда тутилганидан 2—3 баравар кам. Кўп миқдорда санаят, қўриқли, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган шаҳарда фақат битта медицина-санитария қисми ишлаб турибди. Бунинг устига унда стационар йўқ. Профилактик медицина кўриқларининг савияси жуда паст, аҳолининг касаллигини сони ўтган йилга нисбатан икки баравар кўпайди.

Боалик ва туғруқча ёрдам хизматининг аҳоли айнаса ташвиш туғдирмоқда. Акusher-гинекологларнинг малакаси паст, болаларга реанимация ёрдам бериш йўлга қўйилмаган, интенсив терапия самараси талабга жавоб бермайди. Акusher-гинекологларнинг атиги 40 проценти оператив техника методларини эгаллаган. Бу

масалаларда медицина институтининг имкониятларидан сўт фойдаланилмоқда. Болаларнинг сўт маҳсулотларига эҳтиёжларининг атиги 7 проценти таъминланмоқда. Оилани планлаштириш ишлари олиб борилапти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Андижон шаҳар партия комитетининг, унинг бюроси ва секретарларининг иши аҳоли саломатлигини сақлаш тўғрисидаги партия ва ҳукумат талабларига мос келмайти, шаҳарликларнинг эҳтиёжларини қондирмайти, деб ҳисоблади. Марказий Комитет Бюроси шаҳар партия комитети зиммасига соғлиқни сақлашнинг қайта қурилиш ва тармоққа партия раҳбарлигини таъминлаш масаласини шаҳар партия комитети пленумида кўриб чиқиш вазифасини юкледи. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. А. Хотамовнинг соғлиқни сақлаш масалаларига ҳалол муносабатда бўлмаслигининг ҳар бир фактига принципал баҳо берилади ва шу йил давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўзид-кесид чоралар кўрилади, деб ишонтирган гаплари маълумот учун қабул қилинди.

Шаҳар партия комитетига бошлангич партия ташкилотларининг составини мустаҳкамлаш ва уларнинг жанговарлигини ошириш юзасидан қўшимча чораларни кўриш, соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш хизмати соҳасидаги коммунистларни, биринчи навбатда раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказиш топширилди.

Марказий Комитет Бюроси шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети зиммасига 1988 йил давомида шаҳардаги медицина объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан ўзид-кесид чораларни кўриш, авария ҳолатидаги ва эски биноларда жойлашган барча болалар, медицина муассасаларини қўлай биноларга кўчириш, зарур бўлган тақдирда шу мақсадда маъмурий бинолар ва бошқа бинолардан фойдаланишни таъминлаш вазифасини юкледи. Боалик ва туғруқча ёрдам муассасаларига алоҳида эътибор берилиши керак. Беш йилликнинг охирига қадар шаҳарликларнинг касалхоналардаги ўринларига ва амбулатория-поликлиника муассасаларига эҳтиёжлари қондирилсин.

Андижон область партия комитети аҳоли саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини тегишли контрол қилмаётганлиги ва бу қарорларни амалга ошириш учун шаҳар раҳбарларига нисбатан қаттиқ талабчанлик қилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Область партия комитетига икки ой ичида медицина муассасалари фаолиятини тубдан яхшилашни таъминлайдиган тадбирларни белгилаш, партия ташкилотлари секретарлари, совет, хўжалик органлари раҳбарларининг соғлиқни сақлашга доир ҳисоботлари партия комитетларида мунтазам эшитилишини таъминлаш топширилди. Регионда соғлиқни сақлаш учун Андижон давлат медицина институтининг методик роли оширилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси салбий сабаблар билан ишдан бўшатилган кадрларни бир раҳбарлик ишдан иккинчисига ўтказиш фактлари давом этаётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни бирмунча ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бироқ область, шаҳар ва район партия комитетлари ўз хатти-ҳаракатлари билан раҳбарлик лавозимлари ва масъулиятли лавозимларни эгаллаш учун маънавий ҳуқуқини йўқотган кишиларга нисбатан охиригача принципал позицияда турмайтирлар.

Шунинг натижасида салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилган кўпгина номенклатурадаги ходимлар ҳамон раҳбарлик лавозимларини эгаллаб туришибди. Бундай фактлар Қорақалпоғистон, Фарғона, ва Қашқадарь область партия ташкилотларида айланиб кўриб чиқилди. Бу масалаларда Бухоро, Жиззах, Тошкент област партия комитетлари ҳам кўнгилчанлик қилмоқдалар.

Ваъзи партия комитетлари кўшиб ёзиш, қўзғатмачилик ва ўғирлик йўлига ўтиб олган раҳбарларга нисбатан етарли талабчанлик қилмайтирлар. Жиззах, Навоий, Фарғона областларида, Қорақалпоғистон АССРда ана шу сабабларга кўра ишдан бўшатилган кишиларнинг атиги ярмига. Қашқадарь областиде эса фақат учдан бири қисмига нисбатан партиявий таъсир чоралари қўйилган.

Қабул қилинган қарорда партия комитетлари кадрлар масаласини ҳал этишда хатоларни тақрорлаётганлиги

лари, лавозимга тайинлашга тавсия қилинаётган ходимларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларини, ишчанлигини чуқур ўрганмаётганликлари таъкидланди. Улар бошлангич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг ана шу ходимлар ҳақидаги фикрини етарли ҳисобга олмайтирлар, мансабдор шахсларнинг сайлаб қўйилиши демократик формалардан журтасизлик билан фойдаланилмоқдалар.

Марказий Комитет Бюроси Бухоро (ўртоқ И. Жабборов), Жиззах (ўртоқ И. С. Умаров), Қорақалпоғистон (ўртоқ К. Саликов), Қашқадарь (ўртоқ И. А. Каримов), Фарғона (ўртоқ Х. Умаров), Тошкент (ўртоқ Т. А. Алимов) область партия комитетлари биринчи секретарларининг эътиборини салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилган кадрларни бошқа раҳбарлик лавозимларига ўтказишдек хато практика давом этаётганлигига қаратди. Партия комитетлари раҳбар билан иш олиб боришдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан сира кечиктирмай чора кўриш, кадрлар сафини тозалаш йўлини қатъий ва изчиллик билан ўтказиш топширилди. Раҳбар ходимлар орасида салбий ҳодисаларни тағ-томири билан туғатиш мақсадида ўз обрўини туширган кишилар олдинги хизматларидан қатъий назар бундан бўён фақат оддий ишга ўтказилиши белгилаб қўйилди. Марказий Комитетнинг бўлимларига, область, шаҳар, район партия комитетларига кадрларни танлаш ва алмаштириш чоғида уларга диққат-эътибор билан, принципал муносабатда бўлишни таъминлаш, кадрлар масалаларини ҳал этишда ошкоралик, коллегиялик ва демократизм ҳар томонлама ривожлантирилишига эришиш топширилди.

Марказий Комитет Бюроси қайта қуришга раҳбарлик юзасидан сайлаб қўйилмаган органларнинг ҳисоботлари давомида коммунистлар айтган, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қатнашчилари билдирган танқидий мулоҳазалар ва тақлифларни амалга ошириш тадбирларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида ваъзи бошқарма масалалар ҳам кўриб чиқилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Планда ташқари маҳсулот

«Ўзбексельмаш» бирлашмасининг коллективи экшн техникаси эҳтиёт қисмларини графикадан ўзиб буюртмачиларга етказиб бермоқда. Январ ойининг ўзидегида пландан ташқари беш минг сўмлик маҳсулот деҳқонларга юборилди.

Ҳозир 3-темирчилик-пресс цехи ва 4-механика цехининг коллективлари юқори сифатта ва рекорд иш унумига эришмоқдалар. Машинасозлар бултурги шикоятни пасайтирмаптилар. Бултур қишлоқ меҳнаткашларига топшириқдан 200 минг сўмликдан ортиқ 94 номда эҳтиёт қисмлар ортиб жўнатилган.

Февраль ойида «Ўзбексельмаш» коллективия планга қўшимча 10 минг сўмлик детал тайёрлаб чиқармоқчи.

(ЎзТАГ).

Жадаллаштириш резервлари

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номили тивувчилик бирлашмаси 4-кеҳининг мусобақа пешқадами Мария Писоцкая конвейерда йиғиридан ортиқ операцияни бажармоқда. Йилор ишчи эркаклар модели костюмларини тикишининг бутун технология жараёнини ўзлаштириб олиб, мажбуриятининг энг муҳим бандини бажарди. Турдош касбларни эгаллаш, айниса, тивувчиликда

жадаллаштиришининг муҳим резервларидан биридир. Шу сабабли цехда бу масалага алоҳида эътибор берилди. Бирлашма коллективия тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шартидеда иккинчи йил ишламоқда. Бу усуллар тивувчиларни меҳнат унумдорлигини оширишининг янги-янги резервларини қидириб топишга мажбур қилмоқда.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

Тежамкор бригада

«Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг М. Мартини бошлиқ коллектив бригадаси аъзолари коммунистлар анжумани шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора қизитиб боришяпти.

Конференция кунига 12 беш йилликнинг уч йиллик план-топириқларини бажаришга аҳд қилган коллектив кўни-кеча шахримизнинг «Комсомол 40 йиллиги» номили кўчасида бунёд этилаётган 9 қаватли бинода монтаж ишларини ниҳоясига етказди.

Коллектив пудраты методи асосида ишлаётган бунёдкорлар кунлик нормаларини 15-20 процентга ошириб адо этишмоқда. Иш вақтининг ҳар минутидан унумли фойдаланган бригада тежамкорлик ва сифат масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Қурувчилар ярим йил мобайнида 15 куб метр бетон, уч куб метр қориниша, икки куб метр тахтани иктисод қилишиб, тежамкорлик бўйича бошқармада етакчи ўринлардан бирини эгаллашди. Бригадининг А. Шакин, Л. Ким, Р. Жабборов сингари аъзолари бу борада алоҳида ибрат кўрсатишяпти.



Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат секретари Г. Киссинжер АҚШ сенатини ўртача ва намроқ олиқис ракеталари юзасидан Совет-Америка Шартномасини ратификация қилишга даъват этди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Ташқи ишлар бўйича сенат комиссияси олдиде сўзга чиққан Г. Киссинжер, шахсан унинг ўзида айрим изохлар бўлишига қарамай, шартнома

ҳеч ўзгаришсиз ратификация қилинишга сазовор, деб эълон қилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 42-сессияси шу келаватган душанба куні ўз ишини тиклайди. Сессия АҚШнинг БМТ ҳузуридаги Фаластин Озодлик ташкилоты ваколтонасини ёпишга уриниши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги.

Бош Ассамблеянинг Фаластин Озодлик ташкилотининг ваколтонаси юзасидан БМТ ва АҚШ ўртасидаги келишмовчиликни кўриб чиқиш ва бартараф этишни илтимос қилиб,

Директорлар кенгаши

Ҳамза район партия комитетининг ташаббус билан юзага келган директорлар советининг фаолият доираси такомиллаштириб боришмоқда. Советнинг ҳар ойде бир марта бўлиб ўтадиган кенгаши район саноат корхоналарининг раҳбарлари тақлиф этилиб, ишнинг янгича ташкил этишга ҳақиқат бераётган муаммоларни ўзи-кесид ҳал қилиш чоралари кўришмоқда.

Директорлар советининг «Ташлеқтромаш» заводида яқинда бўлиб ўтган кенгашида районда халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришининг бутунги аҳоли ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Ваъзи ишлаб чиқариш коллективларининг бу комплекс программани амалга оширишда изчиллик кўрсатмаётганлиги, хизмат соҳасини ривожлантиришда оқда қилинаётганлиги таъкидланди. Шунингдек, кенгаш иштирокчи-

лари шаҳарда бу хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тўпланган бой тажриба билан ҳам танишди. Бунга халқ истеъмоллари бўйича коллектив фойдаланиш координация марказида ташкил этилган кўргазмага уюштирилган эскурсия ёрдам берди. Шунингдек, улар «Советпластмасс» корхонасининг ишлаб чиқариш участкаларида ҳам бўлилар.

Ўзинини қийнаётган муаммоларни ҳал этишда, бошқаришнинг ахлит самарали усулга ўтишда, бир сўз билан айтганда даврга ҳамоҳанг иш юритишда кенгашнинг роли катта бўлмоқда. — дейди район директорлар советининг раиси, «Подъёмник» заводининг директори Евгений Иванович Чуприн. — Меҳнат коллективларида бўлиб, энг муҳим масалалар юзасидан тегишли қарорлар ишлаб чиқариш.



БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ

Халқимиз ниҳоятда донишманд, ниҳоятда зукко. Шундай тоғиб айтилган ҳикматлар борки, ҳозирги кунимизда ҳар қадамда нақадар ҳаётий эканлигига тан берамиз: «Хотин оила устуни, эрининг биринчи дўстида». Бу нақлин эшитган захотингиз «Ҳа, албатта» дейсиз беихтиёр. Раҳмат ва Муҳаббат Нодирматовлар хонадони ҳақида гап кетганда юқоридаги мақолини эсласак жуда ўринли бўлади. Уларнинг «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмаҳонасида илк бор иш бошлаган кунларига ҳам 27 йил бўлди. 27 йил! Айтишга осон. Аммо 27 йилнинг ўз ташвишлари, қувончлари, армону изтироблари ҳам бор.

Босмаҳонанинг илк ветеран матбаачиларининг кўнглини тоғдан кўтарганида, меҳрини тоблантирадиган ҳолат: уларнинг икковши шу ўтган йиллар ичиде бир корхонада, бир цехда меҳнат қилиб келишмоқда. Отаҳон шониримиз Ғафур Ғулом айтганларидек, «бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд» бўлиб ҳаёт доволарида ўтмоқдалар. Демак, 27 йилнинг иссиқ-сوغуи, бахту ташвишини бирга тоғтишган.

Улар ўтган йиллар ичиде мартабаларни кўзлашмади, бировни ёмонлаб ёки бўлмаса камситиб, обрў ортиртирмади, уларнинг қўлига ишониб топширилган дастаҳо босув машинасига ҳиёнат қилишмади. Фақат ҳалол меҳнат уларнинг умр шогирда айланди.

Ўтган йиллар қанча-қанча китоб, плакатлар босишмади улар. Қўллариде китоб кўтарган одамларни кўриб юракларига сеничк тўларди.

Иш-иш билан, лекин ота-онанинг муқаддас бурчи фарзандларини ўстириб, тарбиялашдир. Раҳмат ака билан Муҳаббат опанинг бахтига оилда беш фарзанд улғайди. Уларни ота-она оқ юзиб, оқ таради. Энг катта қизлари Муҳаббат ҳамшира, Муқаддас сотувчи, Бобир—ошпаз. Муқаддам билан Мушарраф эса ҳали мактабда ўқишади. Лекин орзулари, аҳдлари ҳозирдаҳо қатъий: ота-оналарига ўхшаб матбаачи бўлиш.

Кўпчиқа оила бахти, ота-она бахти ҳақида сўзламоқчи бўлсак, албатта, чиройли сўзлар қидирамиз, бахтиёр оилаларни излаймиз. Аслида лабиде қутгу, дастурхонда иссиқ нон, юрагиде эса виждон бор бўлган ҳар бир хонадон бахтлидир.

Раҳмат ака билан Муҳаббат опанинг эса уйда бахт чирои ҳамиша порлаб туради. Буну ишонч билан айтишимизга икки ишчининг қадок қўли, беғубор дили кафолатдир.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Суратда: Раҳмат ва Муҳаббат Нодирматовлар.

Т. Каримов фотоси.

ТОШКЕНТДА АМЕРИКА КЎРGAЗMАСИ

Ахборот асрига ҳуш келибсиз! — 25 февраль куні Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари иставақасида очилган «АҚШ ҳаётида информатика» кўргазмасининг шогирди ана шундай. Уни АҚШ ахборот агентлиги (ЮСИА) СССР савдо-саноат палатаси кўмаги билан ташкил этган. Тошкентда март ойининг охиригача давом этадиган бу кўргазма фан, маориф ва маданият соҳасидаги алоқалар ва айирболашлар тўғрисидаги битимга мувофиқ ўтказилмоқда. Бу битим КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейганинг 1985 йилдаги Женеве учрашуви чоғида имзоланган эди.

Кўргазмада ишлаб чиқариш ва иктимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида кеңг фойдаланилаётган, ҳозирги замон кишишининг қўндалик турмушига кириб келаватган компьютерлар ва алоқа воситаларининг гоят хилма-

хил турлари намойиш қилинмоқда. Экспозиция информатика ва электроника гуркираб ривожланган даврда Америка жамиятининг турмуш тарзини акс эттиради.

Кўргазмани очиш маросимида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов АҚШдан келган меҳмонларни таориклади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова кўргазмани очиш чоғида нутқ сўзлаб, ҳозирги экспозиция тошкентликларда ва республика меҳнаткашларида катта қизиқиш уғотишини таъкидлади. Экспозиция америкаликларнинг қўндалик турмушига информатика қандай таъсир этаётганлигини яққол акс эттиради, техника фаолиятининг ҳамма соҳаларида инсоният имкониятларини нақадар кенгайтиришини кўрсатади.

АҚШнинг СССРдаги давлат қулодда ва мухтор элчиси

Турли иқлимга мос

Электротехника заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, коллективларини келгусидаги юксалиш режаларини белгилаб олмақдалар.

Завода Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига қизғин авж олдирилган меҳнат бешлашувда гальваника цехининг коллективи пешқадамлик қилмоқда.

Цех ишчилари янги йилнинг биринчи кунларидан бошлабқ юқори суръатда меҳнат қилишга киришди. Сменда давомида планга қўшимча 2 мингдан зиёд электр аппаратларининг деталларига ишлов берилмоқда. С. Аминов, О. Мадаминов каби меҳнат пешқадалари смена топшириқларини 1,5 ҳиссадан адо этиш билан бирга барча маҳсулотларни биринчи тақдимдаёқ юқори сифатда топширмоқдалар.

Янги усул самараси

«Чорсу» массиви қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Қўлаб турар жой иштиотлари, савдо расталари бунёд этилмоқда. Яқинда бу ерда яна иккита қўнқаватли бино фойдаланишга топширилган эди. Ҳозирда 45 квартиралли тўққиз қаватли бинода сўнгги бинокорлик ишлари олиб бориляпти.

Қурилишдаги монтаж ишларини 2-уйсозлик комбинатининг 3-бошқармасига қарашли А. Неграй бошчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари олиб боришти. 60 кишилик бу интернационал коллективда Ш. Алимов, Б. Давидянц, С. Масейчук, К. Олейник сингари ўзбек, рус, татар, украин миллат вакиллари унум билан меҳнат қилмоқдалар.

Бригадаимиз шахримиз меҳнаткашларини шинам квартиралар билан таъминлаш ишига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқда, — дейди бригадир А. Неграй. — Йил бошидан хўжалик ҳисобиде ишланга ўтдик. Қисқа вақт ичиде бу усулнинг иккитой томонлари қўрилди. Ойлик плани муддатидан илгари бажардик.

Шу кунларда бинода пардозлаш ишлари бошланиб кетди. «Главташкентстрой» 42-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари фаоллик кўрсатишмоқда.

С. МАМАЖОНОВ.

Халқаро судга мурожаат этиш эҳтимоли бор.

Норвегиялик таниқли мўйқалам устаси Эдвард Мункнинг «Вампир» картинаси ана шу рассонинг аксарият асарлари сақланаётган Ослодаги музейдан ўйриланди, деб хабар беришади ахборот агентликлари.

Урилар тун қоронғусида, олдиндан сигналзациянинг ишдан чиқариб, дераздан олиб музейга туғишган, картинани қўлга киритганларидан кейин эса, хотирчанм гоёиб бўлишган. Мазкур картина 6 миллион доллардан зиёдроқ баҳоланган.

БАЙРУТ. Сурия ва Ливан

нинг Урта ер денгизи соҳил районларида, Иордания территориясига мисли қўрилмаган қалин қор ёган.

Иорданиянинг пойтахти Оммонда қор қатлами 35 сантиметрге етиб, транспорт ҳаракатини тўхтайтиб қўйган. Барча ўқув муассасалари ёпилган, қатор муассасалар ва корхоналарнинг иш вақтинчалик тўхтатилган. Қор туғайли Суриянинг базис тоғли районлари билан ташқи олам ўртасида алоқа ўзилиб қолган. Шу кунларда ана шу районларга озик-овқат ва дори-дермоларни Сурия ҳарбий-ҳаво қуучлари етказиб бермоқда.



«Ташкини»нинг Пушкин кўчасида жойлашган 1-«Пропангандист» китоб магазини донмо гавжум бўлади. Бу ерда иктомий-сиёсий ва бадий адабиётлар бўлими сотувчиси Озода Ҳасановани кўпчилик китоб мухлислари яхши билишди. У шу соҳада 23 йилдан буён меҳнат қилиб келаяпти. Ана шу йиллар ичида китобхоналар ҳурматиға сазовор бўлди, маъмурият томонидан бир неча бор Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Бу ерда тез-тез китоблар кўргазмаси ташкил этиб турилади. Қисқаси, китобхоналарнинг қизқиши ва майллари, дидактика мос китоблар танлашга катта эътибор қаратилади.

СУРАТДА: Озода Ҳасанова, М. Нуриддинов фотоси.

Куюнчаклик билан ёзилган

Сиздан угина...

Шаҳримиз жамоат транспортида кейинги йилларда бир мунча ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, трамвай ва троллейбусларда юриш ҳақи ошиб беш тийинга чиқди, аллақанда автобуслар «эспрессо» номини олиб, киши бошига ўн тийиндан йиғишга ўтди. Бас, шундай экан, паттасиз кўловчилар тўлайдиган жарима шўрини жойида қолсинми! У кенгурадди саркаб шартта ўн сўмга өтди. Жарима уйдирувчиларнинг тиришқоқлиги ҳам ортиди. Чунки ўн сўм учун курашса арзийди-да. Бекатларда момақалдирокдан кейинги кўзқоринлардан портлаб сон-санюксиз патта сотадиган дўкон чалар пайдо бўлди.

Шунча ҳаракатлардан кейин хизмат кўрсатиш ахлоқиши керак эди. Аммо, минг афсуски, меҳнатқилларнинг шикоятлари ҳам ошди. Сабаби, кассасиз хизмат усулига ўтиб, ҳозирги қайта қуриш сийёсатининг «Хар ким меҳнатига арша...» деган шорига эид иш қилинган эди. Бундан бир неча йил муқаддам кардош республиканинг, аллақанда шаҳрида ҳайдовчиларга рейсига қараб ҳақ тўлай бошланган экан. Натҳижада ҳайдовчилар рейслар сонини кўпайтириш учун бекатларда тўхтамай куруқ бориб келаркан. Мазкур тадбир матбуотда қаттиқ қоралланган эди. Кассасиз хизматда ўтишни тақлиф этган киши бундан беҳабар бўлса керак.

Эсимда, дастлаб абонемент билетлари чиқанда шаҳар транспорт хўжалиги раҳбарлардан бири «Қайси маршрутда йўловчилар оқими кўп-озлигини билишга қийналяймиз, деб шикоят қилганди. Энди эса беш баттар бўлди. Мана, қатор-қатор шикоятлар.

«Биз Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида ўқиймиз, — деб ёзишди бир гуруҳ қизлар. — Дарсдан кеч соат ундан ошганда чиқамиз. Шундан кейин уш шомиласи. Аммо 100, 38, 76-автобуслар жууда ҳам юргани учун ярим кенчага кўчада қолиб кетамиз. Ўзиниз Себзор маҳалласида яшайми. У ердан эса автобус ўтмайди. Бир амаллаб ўзи шаҳаргага келиб олган, ярим кенчада ўйга кўрка-писи пийда кетишимиз керак. 100-автобус «Студентлар шаҳарчасида тўхтамай ўтади».

Завод ишчиларидан Рўзқуллов, Бекқуллов ва Эргашевлар ёзган шикоят мазмунини эса қуйидагича: «Тошкент трактор заводи томон қатнайдиган автобуслар ҳайдовчилари ўзбошимчиликлар билан йўловчилар жонини ҳаққидоғига келтирди. Завод бекати диспетчерла-

рининг кўпол муомаласи эса дард устига чипқон. Ҳайдовчилар кўрсатилган графикага мувофиқ рўй қилмайдилар. Бир қарасангиз, автобуслар қатор-қатор, бир қарасангиз, соатлаб йўқ бўлиб кетади. Кечқурун соат ўндан кейин автобус қатнови ҳақида ўйлаш ҳам қўлиги. Ҳайдовчи аки диспетчерга бирор нарсасиз, таксини рўпара қилишадми».

«Беча марта транспорт муаммоси муҳокама қилинди, қанча мутасадди раҳбарлар жазоланди, газета-журналларда ёзилди. Лекин ҳеч фойдаси! — дея қуйини ёзди К. Мўминдинов. — Шаҳарда соат санксиз-тўққиздан кейин бирор жойга бориш мушкул бўлиб қолди. Биринчи ой транспортчилар учун пахтага ҳашарчи тавиш жууда зўр баҳона бўлди. Тўғри, айрим кўнлар йўлаб автобуслар ҳашарчи тавишди. Аммо ҳар бир автобуста қўли — ўн, оз-кичкитдан одам кетди. Бу хўжасизликка ҳайрон бўлиб, ака ушлади. Эси, сарфланган юзлаб тонна ёнлиги-ю, автобус кўтиб шаҳарликларнинг тарангланган асаби! Гуруҳ гап ва қорғозбошликка қанон чек қўйилмади! Шаҳар жамоат транспорт ишнини қаттиқ назорат қила оладиган мустанқил инспекция тузишини ўйлаб кўриш керак».

Шаҳар жамоат транспорт муаммоси кичкина масала эмас. Айтайлик, ниғлаб ишчи-хизматчи эрталаб куттишга йиғилса, кечки пайт уйга қайтишга йиғилса минг ўтқотди. Бу бир қарашда арзимагандай, Бироқ ўша қирқ минутини мингга кўпайтирсан-чи! Ёки бир ойда, йилда қанча вақт бекорга сарф бўлади! Ўн йилда-чи, қанчасини шу арзимасдай тўғулган куттишга сарфлайсиз!

Тўғри, айрим ҳайдовчи ва кондукторларнинг чап чўнтагига чоқ солиш мақсадида кассасиз хизматга ўтиган. Аммо бундан нега эди йўловчилар азоб тортиши керак экан! Йўловчининг айби нимада! Транспорт хўжалиги раҳбарлари баъзи йўловчиларнинг билетсиз юришидан шикоят қилишди, жарима билан қўрқитмоқчи бўлишди. Шу нарсани эсдан қўқармаслик керакми, қўрқитиш тарбия воситаси эмас. Ўзвара муносабат бир-бирини тушунишга қаратилиши керак. Одатда ўта яхши хизматни кўрган киши негандир ўзини қардордай сезади, кўпроқ ҳақ беришни ўйлаб қолади.

Чунки «Сиздан у гина, биздан бу гина» деган доно нақл бор!

Ориф ФАРМОНОВ, ёзувчи.

Экранда—Ҳиндистон фестивали

Ўзбекистон заминидан бўлган Ҳиндистоннинг СССРдаги фестивали асосий воқеалари «Нуй-қўшқ» ҳамиша ҳамроҳини бўлсин» фильмида акс этди. «Ўзбекте-фильм» студиясида суратга олинган ана шу картина биринчи бор республика киночилар уйда кўрсатилади.

Қўвонқ Утасв ҳинд байрами янқиндагина дилларга қўвонч бағишлаган эди. Эндиликда эса янги ланта ана шу байрам билан учрашувга яна бир қарра тақлиф этади. Фильм Тошкент, Самарқанд, Бухородаги, Ўзбекистон кишлоқларидаги учрашувлар ҳақида ҳикоя қилади. Фильмда Ҳиндистон қўйлари ва қўшқилари янғирайди. Унда фестивалда бўлган учрашувлар ўз аксини топади. Режиссёр Нодир Қўлдошев раҳбарлигидаги фильм ижодкорлари, операторлардан Анвар Авазхўжаев ва Баҳодир Назруллоев ўтмиш йиллар ҳужжатий хроникасидан ҳам самарали фойдаланиб, уларни фильмга ўринли қиритишган.

Текстин Тошкент политехника институтда тахсил қўраётган ҳинд студенти Рамадинга Шанмугансидарам ўқиган.

Янги фильм премьерасида Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Йогендра Кумар иштирок этди.

Қатрлар

О ГОРЧИЧНИК ҚАЗОН ҚҲИЛАДИ?

Доктор беморга деди: — Шамоллабсиз, елкангизга горчичник қўйинг. — Кеңирасиз, горчичникни оғвадан олдин қўйишми ё кейин?

О АНТИКА АРИФМЕТИКА

Хўжалик агрономи илмий ечимни жорий этиш учун келган илмий ходимдан сўради: — Маошингиз қанча? — Бир юз эллик сўм. — Жуда оз экан. — Сизнинг маошингиз қанча? — Бир юз йиғирма сўм, нима қилди? Асрор МҲМИНОВ.

Журналист одаби

СССР Журналистлар союзи ҳузурида касбкорлик одаби ва ҳуқуқи Бутунитифоқ кенгаши тузилиб, унинг фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Шу муносабат билан СССР Журналистлар союзи правленийсига кенгаш олдиди асосан қандай вазифалар турганлиги ҳақида гапириб беришни сўраб илтимослар тушмоқда.

— Касбкорлик одаби ва ҳуқуқи Бутунитифоқ кенгаши журналистлар VII съезди делегатларининг тақлиди билан ташкил этилди, — дейди кенгаш раиси, СССР Журналистлар союзи правленийсининг секретари, Бутунитифоқ авторлик ҳуқуқи агентлиги правленийсининг раиси Н. Н. Четвериков. — Кенгаш журналистларнинг республика, ўлка, област ва бошлангич таъкилотлари билан бирга СССР Журналистлар союзи бутун фаолиятида актив иштирок этиб, Ўзбекистон журналистлар союзи сафларининг софлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақидаги талабларига рўй этилишини таъминлаш керак.

Журналист фаолиятида одоб-ахлоқ проблемаларига алоҳида эътибор берилиши унинг оммавий ахборот тарқатиш жараёнидаги роли билан белгиланади.

Ҳозир жойларда касбкорлик одаби ва ҳуқуқи кенгашлари ташкил этилмоқда. Уларнинг айримлари ишга киришди ҳам. Масалан, Красноярскда журналистлар таъкилотининг ўлка кенгаши бир қанча низоли ҳолатларни кўриб қолди.

Бутунитифоқ кенгашига қўпгина хатлар ва аризалар келмоқда. Шу муносабат билан бир истакни билдирмоқчиман: барча низоли ҳолатлар даставвал област, ўлка, республика кенгашларида кўриб чиқилса, яхши бўлар эди. Матбуотда эълон қилинадиган шикоятларга келса, бу шикоятларни кўриб чиқиш кенгаш ҳуқуқ доирасига кирмайди. Лекин кенгаш оммавий ахборот воситалари ва журналистлар устидан тушаётган даъво аризаларининг саноатлари ва практикасини ўрганиб, умумлаштирилади.

Кенгашда туртта секция

П. АКАЕВОВ, (ТАСС).

— Пирмат Шермухамедович, оғшомхонлардан даярли ҳар кун қўлаб хатлар «Оқшом» редакция-мига келиб турибди. Улар Орол денгизини ҳақида, унинг қисмати ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришмикини сўрашади. Шунинг учун ҳам бугунги суҳбатимизни ўтмишдан, ўттиз йил аввалдан бошлабасан қарши эмасмизми!

— Мутлақо. Агар сиз сўрамаганингизда ҳам ўзим гапни шундан бошлардим. Бугунги суҳбатимизни айнан ўша турғунлик авж ола бошлаган, лоқайдлик, бепарволик «эгарга минган» йиллардан бошламоқ керак. Шунда бугунги ахвол кўзимиз олдида яққол намоён бўлади. Ўттиз йил аввалги кўнларнинг ҳозир мисоли туш кўраётгандай эс-лайман. Қандай бахтир, денгизли, сувли, мажли кўнлар эди. Шабада Орол сувининг шифобахш ҳидини, ҳа, ҳидини диққатларга уради. Тўп қўнлар пристанларда қатор тизилиб турган кема, қайиқларга оҳиста уриларди. Денгизга қараб тўймадингиз. Қирғоқ бўйларини айтмайсизми? Эсласам энтикиб кетаман. Қирғоқ бўйлаб қий-чув кўтариб чўмилётган болаларнинг қий-қирқилари... Хуллас, Оролни бир кўрсангиз, яна қайтиб кўргунингизча қўмсайверардингиз.

Бугун-чи, бугун Бугун Орол сувлари қирғоқни, одамларни ташлаб, шиддат билан кетяпти. Қайққа кетяпти! Албатта, ҳалокатга! Ўз йўларида қум тепалиқлар, темир-терсек-ка айланган кемалар, қўмилиб кетган қайиқларни қолдирыпти. Қирғоқда одам йўқ. Ҳувиллаб ётибди.

Мўйноқнинг бугунги ахволини кўз олдингизга келтириб кўринг. Бундан ўттиз йил олдинги шаҳар билан бугунги шаҳарнинг қиёфасини солиштириб бўлмайди. Негат Оролни ўз қирғоқларидан чекиниши билан мўйноқликларнинг ахволи кескин ўзгарди. Об-ҳаво айниди, энг ачинарлиси одамлар орасида касалликлар тўғйили ўлим кўпайди. Аҳоли ўй-жойини ташлаб, иш излаб кета бошлади. Ҳатто, Мўйноқ Балик-консерва комбинатида шаҳарликларни иш билан таъминлаш мақсадида шимолги районлардан бақили олиб келинмоқда. Бу ҳодисанинг ахлоқий томони ўйланса, бугунги ижтимоий ҳаётимизда рўй берётган негатив ҳодисаларнинг илди-зи қанчалик чуқур эканлиги аниқ бўлиб қолади.

Наҳотки ўттиз йилда шундай ахволга дуч келдик! Ўттиз йилда-я! Шунангича бағри тош, бераҳм одамларимизми! Шу даражада нота-вон, бечора кимсаларга айландикми? Ахир шу улкан урғу тақдирини, келажакка жавобгар эдик-ку!

— Гапнингиздан, ўттиз йил олдин ҳам Орол ҳақида мулоҳазалар бўлган экан-да...

— Албатта. Ҳатто ундан олдин ҳам гап бўлган. Журналист Н. Дадажонов ҳаммадан аввал фалокатни сезган чоғи 1958 йили «Комсомо-льская правда» газетасида «Орол ўляпти» сарлавҳали мақола билан чиқди. Эҳ-ҳе, шўринг курғур-нинг боши маломатга қолди. Уни, ривожланишга, халқ хўжалигига қарши, деб айлаб, салкам халқ душманига чиқариб қўйишди.

Ўша йиллари бундан бошқача ахволи кўтиб ҳам бўлмасди. Энди бизга аён бўлган ҳақиқатга кўра, табииатимизнинг, денгизимизнинг, дарёларимизнинг тақдири учун жавобгар мансабдорлар денгиз умрини, сувини худди юҳодек симири-дилар.

Гап бугун фақатгина Оролни сувга тўлдириб ҳақида кетётгани йўқ. Гап совет кишиларининг гражданилик бурчи ҳақида кетяпти. Гражданилик бурчини унуттишнинг оқибати, мана, Орол денгизини Табиғатнинг нўҳодке жойига зарар етказилса, у биздан чинордек ўч олади. Яна бир гап: Тошкентдаги ичимлик суи масаласи. Шу кеча-кундузда Тошкентда ичимлик суи ҳаёт-мамат масаласига айлиб қолган. «Ирчиққимлаш», Капролек-там заводлари Тошкентнинг бузиш билан бирга унинг сувини ҳам заҳарламоқда.

Ёки Пском дарёсини олиб кўрайлик. Бу дарёнинг тозаллиги Тошкент хавосига таъсир этади. Ҳозир Пском хавф остида: яқин кўнларда электр станция қуриломоқчи. Чор-воқдан оқорида яна бир сув омбори, ғазалкентда бир неча сановат корхоналари қуриломоқчи. Илмий ҳисоб-китобларсиз. Инишотлар Тошкент хавосига, Пском — Чотқол зонасига салбий таъсир ўтказиши. Хуллас, Оролни асраш дегани — Тошкентнинг об-ҳавосини ҳам асраш дегани.

— Гражданилик бурчи ҳақида сўз бошладингиз. Илтимос, нималарни кўзда тутиясиз!

— Гражданилик бурчи иборасини кенг маънода тушуноқ керак. Бу энг аввало виждон уйғоқлиги деган сўз. Виждонни уйғоқ қилиш ҳамиша бир ўзинигина эмас, атрофдагиларнинг ҳам ахволига бефарқ қарамайди.

Ҳозирги вақтда кенгаш совет журналисти одаби кодексини ишлаб чиқишга киришди. Бу кодекс кенг муҳоамага қўйлади.

Касбкорлик одаби ва ҳуқуқи кенгаши журналист одаби принциплари ва нормалари бузилган ҳолатларда виждон суди сифатида иш қўлади. Масалан, журналистлар ўз маъқенини суи-истеъмол қилиб, текширилмаган фактларни эълон қилиш, ҳақиқатдан чекиниш ҳолатларига йўл қўйсалар бунда биз журналист одоб-ахлоқига хилоф иш қилинган, деб ҳисоблаймиз.

Ҳаққонийлик, ҳалоллик ва адолатли қарор топтириш — кенгашнинг бурчи-дир.

П. АКАЕВОВ, (ТАСС).

Шу поклини жарчиладга ёзувчиларни виждон жарчиладга деб атиқмоқларди. Аслида шундайку, лекин биз ёзувчилар ҳам кўп йиллар виждон овозига қулоқ тутмадик, тўғйирогини қулоқ тутмасликка маж-бур қилишди...

Лекин фақат бир гуруҳ одамларнинг саяй-ҳаракатлари билан кўзланган мақсадга эришиш амри ма-хол. Бу аксиома. Давлат, миқёсидеги ишларни катта масштабларда ҳал қилиш керак.

Яна асосий мавзуга қайтаман. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам шундай таъкилотлар борки, улар турли ба-хоналар билан умумий ишимизга халал беришяпти. Айниқса, сув муаммоси билан иш кўрувчи идора-лар ҳали ҳам қўл учиди, ҳўжақў-синга ишласмоқда. Аччиқ устиди айтилган гап деб қабул қиласизми, йўқми — ҳар қалай бу менинг нуқ-тан назарим — Оролнинг шу ахвол-га тушишида ирригаторларнинг «ҳиссаси» жууда катта. Улар тўғри келган томонга сувни «етақлаб» кетавердилар.

Орол: ҳаёт ё мамот

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Оролни асраш комите-тининг раиси, профессор Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ билан суҳбат.

О Орол денгизига йилга 9—10 марта, энг 40 — 50 кило-метр бўлган ғоят кучли қўн булади.

О Денгиздан кўтарилётган чанг ва туз миқдори 50 мил-лион тоннани ташкил этади.

О ҚҚАССРда болалар ўлими 1965 йилда ҳар миғ бота ҳисо-бада 44,7 эди, 1986 йилда бу рақам 71,5 га өтди.

О Ҳозирча Оролнинг 2 мил-лион гектардан зиёд сатҳи сўх-рога айланди. Мабодо Орол қуриб қолса, ўрнида 6 милли-он гектарлик сахро пайдо бўла-ди.

Яқинда Оролни асраш комитети Ўзбекистон ССР»мелиорация ва сув хўжалиги министри К. Сапаев билан учрашув ўтказди. Министр учрашувда «Оролни асраб бўлмайди» деб айтди. Ажабланарлиси шунки, у бу гапни бепарволарча гапирди. Са-паевга ўшаганаган камми орамиз-да Оролнинг қуришига бош себаб-чи, назаримда шу министрилик.

Бир эртанда ўқигандим: шаҳзода уч йўл олдида тўхтаб қолади. Ўнгра юрса — борса хатар, ўртадан юрса — борса келар, нагга юрса — борса келмас. Шаҳзода шу чапдаги йўлдан кетди...

Оролниқс ичиб турган Амудар-бия Сирдарёнинг ҳар қатраси тилла сувлари ҳам борса келмасга, чўллар қўйнига равона бўлди. Ду-руст, янги ерлар очдик, мўл ҳосил етиштирдик, деб оламга жар сол-дик. Аммо ўйлаб қарасак, ҳосили-миз ҳамон зўр эмас. Демак, Орол исрофгарчиликнинг, бетамизликнинг қурбони бўлди.

— Оролни асраш комитети Халқ-ро Байкал Комитети составига қў-шилади деган гаплар бор...

Шундайку-я, лекин масалани чал-каштириш ярамайди. Байкал ҳозирча соғом-он. Фақат уни тозалаш, ат-роф-муҳитни пок сақлаш, ўлик ден-гиз бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Иркутскдаги ўзбек адабиёти ва санъати кўнларига мен машуур адиб, СССР Давлат мукофоти лау-реати, Социалистик Меҳнат Қҳра-мони Валентин Распутин билан уч-рашиб, суҳбатлашдим. Маълум бў-лишича, қорғоз-целлюлоза комби-нати энди чиқиндиларини Байкалга ташламайдиган бўлибди. Бир неча ўн километр жойга қувур ётқизиб, Иркут дарёсига оқизиш режалашти-рилибди. Ана холос! Ҳой, нима қи-ляпсан дейдиган мутасадди йўқ. Тракторлар, скрепёрлар, бульдо-зёрлар остида қанчалаб ўрмон, гийҳлар нобуд бўлиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ... Бечора Иркут дарёсичи! Унда нима гуноҳ. Вален-

тин Распутин ниҳоятда ранжиб: «Си-бир» қордан куттиб, ёмғирга ту-тиласайди, — деди.

Ўзбекистонимизда шунангича ўй-ламай ҳайбаркалалчилик йўли би-лан қурилган нишотлар йўқми! Қай-си бирини айтмиш! Чортқ, Чорвоқ, Кампирровот, Панкмар, Чиликўрган, қурилатган Ҳисорак, Тақлимаржон сув омборлари шунчалик зарурин-ди! Туямўйин-чи! Ёки қурилатган, Ҳиванинг анидан оқиб ўтадиган, Туя-мўйиндан сув оладиган Тошовуз ка-нали-чи! Ахир Ҳивани адоий тамоом қилади-ку! Хоразмининг пешонаси шўрлаб кетётгани камми! Буларнинг ҳаммаси охирини ўйламасдан қилин-ган ишлар.

— Баъзибир кишилар сув омбор-ларини очиб юбориш керак, шунда Оролга мадад бўлади, дейишяпти. Яна бировлар эса оқава сувлар ҳа-қида ҳам жон қўйдиришяпти.

—Эҳ-ҳе, айтаверсак, гап кўп. Эн-ди қисқа, лўнда қилиб ахборот ша-клига келтирсак, манзара қуйидаги-ча: дастлаб Сибирь дарёларидан сув олмоқчи бўлдик. Турли-туман ва-риантлар ишлаб чиқилди. Сарф-ха-ражатлар ҳам ҳисобланди. 150 таш-килот лойиҳа ишлари олиб борди. Лекин Сибирь табиғат ҳам, ўрта



—Машуур файласуф Сенек: «Ке-лажак авлодин ўйламаган халқ дунё-даги энг бахтсиз халқдир» деган. Шу бахони деф этиш мумкин бўлар-микин!

— Мумкин бўлади. Ёзувчилар сою-зи қосида Оролни асраш комитети-нинг тузилиши, Орол фондининг очилиши, пахта планининг қисман қамайтирилгани шу йўлдаги даяил қадамлардир.

Келинг, очикчасига гаплашайлик. Орол муаммосини пахта билан бо-лаб гапирмасдан масалани ҳал қи-либ бўлмайди. Тўғйисини айтийлик, пахтага ҳеч кимнинг қаролиги йўқ. Лекин вазитини ҳисобга олиш ҳам керак. Бас шундай экан, бу масала-да СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Аганбегян, Яншилар-нинг, Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси муҳбир аъзоси С. Усмо-новнинг фикрини жидаий ўйлаб кў-риш керакка ўқшайди. Улар моно-культурани тартибга солиш, пахта экишни қамайтириш, сабзавот ва мева-ли дархатларни кўпайтириш го-сини илгари суришайди. Ахир пахта-сининг сифати пасайиб кетгани ҳе-кимга сир эмаску! Такрор айт-ман пахта ва Орол — бир-бирдан ажралмас муаммо.

— Пирмат Шермухамедович, Орол фондининг ҳозирги ахволи қандай! — Жууда яхши. Москва, Ленинград, Қозғистон, Туркмистон меҳнат-кашлари Орол фондида узлуқсиз маблаг ўтказмоқдалар. Зибиллар ҳам бундан четда қолмапти. Ёзув-чилар, медицина ходимлари, олий ўқув юртилари, масалан ТашУ, ТоШПИ бу ишда фаоллик кўрсата-тилар. Мақтаблар, ҳатто маҳалларар пул ўтказишчи. Уйлаганим, ша-ҳарликлар ҳам бу ватанпарварлик нишдан четда қолмайдилар. Ҳозирча-да фондида маблаг 150 миғ сўм-дан ошиб кетди.

— Оролни асраш комитети қандай амалий ишларни амалга оширяпти!

— Амалга оширган ишларимиз та-лейгина. Матбуотда, радио, телеви-денеда узлуқсиз чиқариш қилин-миз. Бу йил апрелда Оролни асраш комитети Орол соҳилларида кенгаш ўтказди. Йирик мутахассислар, олимлар, ёзувчилар тақлиф қилинган. Оролни ички имкониятлардан фой-даланиб ва туташ майдонлардан сув келтириш йўли билан денгизни кут-қариш бўйича энг яхши лойиҳаларга конкурс эълон қилинди. Экологик проблемаларни ёритувчи энг яхши публицистик асарларга «Орол муко-фоти» таъсис этилди. Бу мукофот Орол проблемасида ёзилган мақола-ларга эмас, балки ўрта Осиё эколо-гиясида вужудга келган проблема-ларни таҳлил этувчи мақолаларга ҳам берилади. Хуллас, ниятларимиз кўп. Аммо қўпгина бизга ёрдами тевадиган таъкилотлар кўнгилади-дег брдам бермапти. Ҳамма Орол фожиаси билан бирдек шугуллан-мапти.

— Оролга сув тушяпти деган хуш-хабар ҳам тарқалди...

— Тошкент гидрометеомаркази шундай хабар тарқатган эди. Ростки, бу гапга унча ишонмайман, ўзим бориб кўриб келмоқчиман. Шунда анигини айтман.

— Ёзувчилар Оролни сақлаб қо-лишдек олижаноб ишини ташаббус-корни бўлишди. Бу иш охирига ет-казилармикин!

— Етказилмади. Мана, Наврўз қайта тикланди, дефолцияларда бутфосдан фойдаланиш ҳақида суратда таъки-ланди. Буларнинг ҳаммасида ёзувчи-лар ҳам жонбозлик кўрсатишди. Орол ҳам ёзувчилар интилишига бир ҳайкал бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мамакатадаги сув ресурсларидан фойдаланишни яхшиланишнинг биринчи навбатдаги тадбирлари тўғйисидан қарор қабул қилилар.

Энди Орол ҳақидаги орзуларимиз ҳам рўёбга чиқди. Меҳнатларимиз бесамар бўлмайди деб ўйламан.

Сўхбатдош

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

А. Кудрепов фотоси.

О СУРАТДА: Орол қўмларига чўккан кемалар.

А. Кудрепов фотоси.

Р. 13716. Яқшанбадан ташқари ҳар кун чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл кўннлган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. А. 2056. Тиражи — 104.250. 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.